

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

САДРИДДИНЗОДА САФИЯ ШАХОБИДДИНОВНА

ДЕМОНОЛОГИК ЛЕКСИКАНИНГ СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА
ПРАГМА-МАДАНИЙ ВАЗИФАЛАРИ
(ИНГЛИЗ, ЎЗБЕК ВА РУС АДАБИЁТИ АСОСИДА)

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Contents of the abstract of dissertation of Doctor of philosophy (PhD)
in philological sciences**

Садриддинзода Сафия Шахобиддиновна

Демонологик лексиканинг семантик хусусиятлари ва прагма-маданий
вазифалари (инглиз, ўзбек ва рус адабиёти асосида).....3

Садриддинзода Сафия Шахобиддиновна

Семантические особенности и прагма- культурологические функции
демонологической лексики (на основе английской, узбекской и русской
литературы).....25

Sadriddinzoda Safiya Shaxobiddinovna

Semantic features and pragmatic functions of demonological vocabulary (on the
base of English, Uzbek and Russian literature).....47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 51

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

САДРИДДИНЗОДА САФИЯ ШАХОБИДДИНОВНА

**ДЕМОНОЛОГИК ЛЕКСИКАНИНГ СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА
ПРАГМА-МАДАНИЙ ВАЗИФАЛАРИ
(ИНГЛИЗ, ЎЗБЕК ВА РУС АДАБИЁТИ АСОСИДА)**

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Fil1458 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат чет тиллар институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (инглиз, ўзбек ва рус резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tsuos.uz) ҳамда “Ziyonet” Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Сафаров Шахриёр Сафарович
филология фанларидоктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Исламджанова Хазифахан
филология фанлари доктори, профессор

Галиева Маргарита Рафаэловна
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

**Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон
Миллий университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил « ____ » _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел.: (99871) 233-45-21; факс: (99871) 233-52-24; e-mail info@tsuos.uz)

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел.: (99871) 233-45-21.)

Диссертация автореферати 2022 йил « ____ » _____ куни тарқатилди.
(2022 йил « ____ » _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

А.М. Маннонов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси филол.ф.д., профессор

Р.А. Алимухамедов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д., доцент

Х.З. Алимова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослиги ва адабиётшунослигида демонологик лексика ва адабиётда ўзга дунё рухларининг (персонажларининг) келиб чиқишини ўрганиш тадқиқотчилар диққатини жалб қилиб келмоқда. Бу анъана айниқса хорижий мамлакатлар адабиётида кенг ривожланган ва ҳозирги пайтда ўзбек маданиятида ҳам ёрқин асарлар пайдо бўлмоқда. Ушбу тадқиқотнинг долзарблиги фольклор ва фантазия жанрларидаги бадиий матнларни жалб қилган ҳолда уч тил материаллари асосида демонологик лексика қўлланишинининг семантик ва прагма - маданий жиҳатлари таҳлил қилиниши билан белгиланади.

Дунёнинг етакчи тилшунослик мактабларида демонологик лексика чоғиштирма тилшунослик, психоллингвистика ва лингвокультурология доирасида кенг қўламда тадқиқ этиб келинмоқда. Шу жиҳатдан, турли сўз туркумларга оид лексемаларини бирлаштирадиган ва умумий семантик белгини акс эттирадиган ёвуз рух (инс-жинс) семантик майдони тадқиқотчилар диққатини жалб қилади. Шахснинг характерини, хатти-ҳаракатларини, ташқи қиёфасини тасвирлашда алоҳида аҳамиятга эга бўлган мақоллар, маталлар, фразеологик бирликлар, қанотли иборалар каби халқ ижодиётида мавжуд бўлган демонологик персонажларни ўрганиш алоҳида долзарблик касб этади. Бундай лексемалар контекстга боғлиқ ҳолда асарга эмоционал, информатив, номинатив ва жозибадорлик хусусиятларини бағишлайди ва мустақил равишда ҳам, фразеологик бирликлар ва мақол иборалари таркибида ҳам қўлланиши мумкин.

Мамлакатимизда истиқлол йилларида халқнинг миллий маънавияти, ўзлигини англаши намоён бўладиган халқ ижодиётини, фольклорни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, фольклор ва замонавий адабиётдаги демонологик лексикани ўрганиш нафақат ўзбек, балки инглиз ва рус халқларининг дини, анъаналари, урф-одатлари, турмуш тарзи, эътиқодларининг шаклланиш йўналишини кузатишга имкон беради, чунки уларнинг ҳар бирида ғайритабиий кучлар мавжудлигини инкор этиб бўлмайдиган ишонч бор. Ўзбекистонда китоб мутолааси, ёшларнинг маданият, санъатга қизиқишини ошириш, уларнинг маънавий камолотини юксалтириш кенг тарғиб қилинмоқдаки, бу умуман мамлакатимизнинг бугуни ва келажаги фаровонлигини таъминловчи асосий омилдир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаганидек, “Нафақат ёшлар, балки бутун жамиятимизнинг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини юксалтиришда фан ва таълим устувор аҳамият касб этади. Илм-фан ривожланмаган жойда жамиятнинг барча соҳаларида орқага кетиш, қоқоқлик кузатилади. Замонавий билимларни эгаллашга, маърифатли бўлишга, юксак маданиятга эга бўлишга интилиш барчамиз учун ҳаётий эҳтиёжга айланиши керак”¹.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси 25.01.2020 <https://uza.uz/ru/posts/poslanie-prezidenta-respubliki-uzbekistan-shavkata-mirziyeev-25-01-2020>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон «Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2022 йил 18 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мулжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохатларда фаол иштирокчини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда 2021 йил 1 апрелдаги ПҚ-5047-сон «Илм-фан соҳасидаги давлат сиёсати ва инновацион ривожлантиришдаги давлат бошқарувини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг “I. Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” доирасидаги устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Демонологик лексика тил тараққиёти, онг ривожланишининг асосий ташқи ва ички омили сифатида тилшуносликнинг муҳим жабҳасидир. Бу борада Л.Н.Виноградованинг² фольклор мифологик персонажларини батафсил таҳлил қилишга бағишланган асари аҳамиятга молик ишдир. Д. К. Зеленинанинг “Славян халқ демонологияси”, Э.В.Померанцеванинг “Рус фолькларидаги мифологик персонажлар” шунингдек, К.К Шарипованинг “Турли тиллардаги лексиканинг структуравий ва функционал семантик хусусиятлари” ва Дж.М.Блэрнинг “De-demonising of the old Testament”: An investigation of Azazel, Lilith, Deber, Qeteb and Reshef the hebrew Bible” диссертация иши муҳим аҳамиятга эга³. М. Жураев, М. Афзалов, К. Имомов, О. Мадаев, З. Машарипова, Т. Мирзаев, Б. Саримсоқов, О. Сафаров, Ж. Эшонқуловнинг

² Виноградова Л. Н. Народная демонология и мифо-ритуальная традиция славян. – М.: Индрик 2000. – 432 с.; Виноградова Л. Н. Славянская народная демонология: проблемы сравнительного изучения: дис. ... д - ра филол. наук: – М., 2001. – 195 с.

³ Зеленин Д. К. Очерки русской мифологии.- М., 1916. – 312 с.; Померанцева Э. В. Мифологические персонажи в русском фольклоре.- М., 1975.-194 с.; Шарипов К. К. Структурные и функционально-прагматические семантические особенности мифологической лексики в языках различных систем: дисс...канд. филол. наук.- Худжанд, 2005.- 141 с.; Blair J.M. De-demonising the Old Testament: An Investigation of Azazel, Lilith, Deber, Qeteb and Reshef in the Hebrew Bible: scient. res. ... Ph.D. // Blair Judith Margret. – Edinburgh, 2008. – 287 p.

илмий тадқиқотлари ўзбек фольклоршунослиги ривожига муносиб ҳисса қўшган⁴. Ф.Жаҳонгировнинг “Ўзбек болалар фольклори”⁵ асарида ўзбек эртақларининг мифик ва ғайритабиий образлари қиёсий-типологик жиҳатдан атрофлича таҳлил қилинган. Демонологик мотивлар адабиётшунослик нуқтаи назардан И. Кирилова, А. Ильин, Н. Красавский, А. Баранов, В. Савицкий, В. Боктаева, С. Толстая, Ю. Караулова, Е. Бакланов, Л. Никитина, И. Киреева⁶ каби тадқиқотчиларнинг ишларида ўрганилган.

Хозирги пайтда демонологик лексиканинг прагма-маданий ва семантик хусусиятлари, фольклор ва бадий маконда воқеаланишининг назарий асослари эндигина шаклланаётганлиги сабабли деярли ўрганилмаган соҳа ҳисобланади. Демонологик лексиканинг семантикаси ва унинг бадий маконда намоён булиши аниқ индивидуал-муаллифлик ва миллий семантик характерга эга булиб, уларда биз таҳлил қилган тилларнинг маданий хусусиятлари ва муаллиф яратмоқчи бўлган асар руҳияти аниқ намоён бўлади. Шу боис, ушбу тадқиқотнинг назарий ва услубий-методологик асосини шакллантириш анча мураккаб вазифа ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Тадқиқот Самарқанд давлат чет тиллар институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Замонавий тилшунослик ва лингводидактиканинг коммуникатив жиҳатлари” мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади демонологик лексиканинг семантик хусусиятлари ва прагма-маданий вазифасини қиёсий-типологик жиҳатдан очиқ беришдан иборат.

⁴ Жўраев М. Фолклоршунослик асослари. – Т.: Фан, 2009.– 280 б.; Афзалов М. И. Ўзбек халқ эртақлари хақида. – Т.: Фан, 1964. – 246 б.; Имомов К. Ўзбек халқ эртақлари // Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. – Т.: Фан, 1981. – Б. 62-96.; Мадаев О. Ўзбек халқ оғзаки ижоди. – Т.: Мумтоз сўз, 2013.- 180 б.; Машарипова З. Ўзбек халқ оғзаки ижоди. – Т.: 2008. - Б. 4-11.; Мирзаев Т. ва бошқалар. Ўзбек халқ оғзаки ижоди хрестоматияси.–Т.: Алоқачи, 2008.- 550 б.; Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори. – Т.: Фан, 1986.- Б.180-189.; Сафаров О. Ўзбек халқ оғзаки ижоди. – Т.: Мусиқа, 2010.- 253 б.; Эшонкулов Ж. Эпик тафаккур тадрижи. Т.: Фан, 2006.- Б. 18-32.

⁵ Жаҳонгиров Ф. Ўзбек болалар фольклори. – Т.: Ўқитувчи, 1975.- 45 б.

⁶ Кирилова И. В. Семантическое поле «нечистая сила» (лингвокультурологический аспект): дис. ... канд. филол. наук. - Екатеринбург, 2011. - 170 с.; Ильин И. А. Сущность и своеобразие русской культуры. – М.: Русская книга XXI век, 2007.- 464 с.; Красавский Н. А. Эмоциональные концепты в немецкой и русской лингвокультурах. - Волгоград, 2001.- С. 40-59.; Баранов А. Н. Лингвистическая экспертиза текста: теоретические основания и практика: — М.: Флинта: Наука, 2018. - 591 с.; Савицкий В. М. Лингвокультурные коды к обоснованию понятия // Вестник Московского государственного областного университета. Серия: Лингвистика, 2016 № 2. - С. 55 - 62.; Боктаева В. Л. Зоометамарфоза в языковой картине мира русского и английского народа // Развитие современной системы образования: теория, методология, опыт.- Чебоксары, 2019. - С. 89-91.; Толстая С. М. Семантические категории языка культуры: очерки по славянской этнолингвистике. — М., 2010.-368 с.; Караулов Ю. Н. От словаря языка писателя к познанию его мира: о некоторых базовых концептах в творчестве Ф.М. Достоевского // Вопросы когнитивной лингвистики. – М., 2015. – 164 с.; Бакланова Е. А. Вопросы теории импликации // Лингвистические и культурологические традиции и инновации: Сборник материалов X Международной научно-практической конференции. - Томск: Изд-во Томского политехнического ун-та, 2010.- С. 9 – 10.; Никитина Е. С. Смысловый анализ текста: Психосемиотический подход. - М.: Ленанд, 2016. - 200 с.; Киреева Н. В. Книга // Антология концептов. - Волгоград: Парадигма, 2009. - С. 307-321.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

“демонологик лексика” тушунчасини фольклорда ва замонавий адабиётда инглиз, ўзбек ва рус тилларида воқеаланишини чоғиштирма ўрганиш;

ушбу бирликларнинг семантик хусусиятларини очиб берувчи таркибий-семантик ва мазмун-мавзуй (контент-тематик) таҳлилни амалга ошириш;

кўриб чиқиладиган тилларнинг фольклор асарлари ва бадиий адабиётда демонологик лексиканинг аҳамияти, ўрни ва долзарблигини белгилаш;

инглиз, ўзбек ва рус халқ оғзаки ижоди қаҳрамонлик дostonларида демонологик лексиканинг матн шаклланишида бажарадиган вазифасини аниқлаш;

инглиз, ўзбек ва рус халқлар фольклорини лингвомаданий функционалликни аниқлаш учун “ёвуз руҳлар” тоифасига кирувчи демонологик персонажларнинг номланиш жараёнини ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида фольклор асарлари ҳамда инглиз, ўзбек ва рус адабиётининг фантастик жанридаги асарларида қўлланган демонологик лексика танланган.

Тадқиқотнинг предмети инглиз, ўзбек ва рус тилларидаги демонологик лексиканинг прагма-маданий хусусиятлари ҳамда семантик табиати ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда контент-таҳлил, маданиятлараро таҳлил ҳамда статистик, қиёсий-типологик ва семантик усуллари қўлланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

инглиз, ўзбек ва рус тилларидаги фантастик жанрга оид матнлар асосида демонологик лексиканинг турли сатҳларга тегишли номинатив бирликлар воситасида лисоний воқеаланиши исботланган;

инглиз, ўзбек ва рус тиллари демонологик луғавий бирликлар маъно қўламининг конотатив ва референт бўлаклари фарқланиб, уларнинг тузилиши, таснифи ҳамда ўзаро муносабати аниқланган;

инглиз, ўзбек ва рус халқ оғзаки ижоди марказий мифологик персонажларининг яхлит образи шакллантирилиб, ушбу образлар тасвирида уларнинг ижтимоий мавқеси, ташқи қиёфаси, аломатлари, генезиси, жойлашуви кабилар тавсифи муҳим эканлиги далилланган;

фантастик жанрдаги бадиий матнларда “ёвуз руҳлар” семантик майдонининг ўзига хослиги ҳамда ушбу майдон доирасида асарнинг ғоявий мундарижаси ривожланиши очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

Тадқиқот жараёнида татбиқ қилинган мажмуавий ёндашув инглиз, ўзбек ва рус тиллари демонологик лексикасининг этногенезини аниқлаш ва “Халқ оғзаки ижоди”, “Лингвомаданиятшунослик”, “Қиёсий адабиётшунослик”, “Прагмалингвистика” каби фанларни ўқитишда қўлланиши мумкин бўлган хулосалар чиқариш имконини берган;

турли оилаларга оид тиллар мисолида демонологик лексикани таснифлаш ва таҳлил қилиш усули ишлаб чиқилган;

антропоцентрик ёндашувдан фойдаланиб, инглиз, ўзбек ва рус халқ

оғзаки ижоди мисолида демонологик образларнинг психолингвистик таҳлили ўтказилган;

ўзбек тилидаги демонологик лексика таркибининг лингвомаданий таҳлили амалий хулосалар чиқаришга, шунингдек, тил тизимининг ажралмас қисми бўлган демонологик луғатни нафақат тилшунослик, балки маданий нуқтаи назардан ҳам таҳлил қилишга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги таниқли тилшуносларнинг мавзуга оид илмий-назарий қарашлари қиёсий ва танқидий таҳлил қилинганлиги, амалга оширилган тадқиқот бўйича муаллиф хулосалари ва натижаларининг мавжудлиги, тадқиқот расман эълон қилинган амалий маълумотлар таҳлиliga асосланганлиги, қўлланилаётган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги ҳамда хулоса ва таклифларнинг амалиётга татбиқ этилганлиги билан тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, унда демонологик лексиканинг оғзаки ва ёзма фольклорнинг шаклланиши жараёнида, фантастик жанрдаги замонавий адабиётда долзарблиги аниқланиши ишнинг лексик-семантик назария, лингвопрагматика, лингвокультурология, умуман тил назарияси ривожига қўшадиган ҳиссасини белгилаб, олинган натижалардан лисоний маданиятшунослик прагматингвистика, фольклоршунослик фанларида фойдаланиш имконияти мавжудлигида намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти “Халқ оғзаки ижоди”, “Лингвокультурология”, “Адабиётшунослик”, “Тилшунослик” фанларини, шунингдек, инглиз, ўзбек ва рус тилларини ўқитишда фойдаланиш имконияти билан изоҳланиб, диссертациянинг хулосалари битирув малакавий ишлари ва магистрлик диссертацияларини ёзишда назарий асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши Инглиз, ўзбек ва рус адабиёти демонологик лексикасининг семантик хусусиятлари ва прагма-маданий вазифаларини ўрганиш асосида:

фантастик жанрларга оид матнлар асосида инглиз, ўзбек ва рус тилларидаги демонологик луғавий birlikларнинг номинатив birlikлар воситасида лисоний воқеланиши ҳақидаги маълумотлар Эрасмус+ 561624-EPP-1-2015-UK-EPPKA2-SBHE-SP-ERASMUS+SBHE-IMEP: «Ўзбекистонда олий таълим жараёнларини модернизация қилиш ва халқаролаштириш» тадқиқот лойиҳаси учун назарий ва амалий асос бўлиб хизмат қилган (Самарқанд давлат чет тиллар институтининг 2021 йил 13 апрелдаги 2543/30.02.01-сон маълумотномаси). Натижада, бу маълумотлар бўлажак мутахассисларнинг тилшунослик соҳасидаги инглиз, ўзбек ва рус тиллари бўйича билим даражасини оширишга хизмат қилган;

демонологик луғавий birlikларда конотатив ва референт бўлақлари таснифи ҳамда тузилиши ҳақида олинган натижалар Самарқанд давлат чет тиллар институтининг И-204-4-5 «Ахборот коммуникация технологиялари асосида инглиз тилининг махсус фанлари бўйича виртуал ресурслар яратиш ва уларни ўқув жараёнига жорий этиш» инновацион лойиҳаси доирасида

қўлланилган (Самарқанд давлат чет тиллар институтининг 2021 йил 13 ноябрдаги 2544/30.02.01-сон). Натижада, таҳлил қилинаётган тилларнинг миллий-маданий хусусиятлари очиб берилган, бу эса ўқитувчи ва талабаларнинг коммуникатив ва лингвистик маҳоратини оширишга хизмат қилган;

халқ оғзаки ижодида мифологик персонажларнинг ижтимоий мавқеси, ташқи қиёфаси, аломатлари, генезиси, жойлашуви тавсифи ва демонологик лексиканинг лингвомаданий таҳлили натижалари тил ўқитиш методикаси, маданиятшунослик ва тилшунослик фанларига йўналтирилган Tempus 544161-Tempus Project 544161-TEMPUS-1-2013-1-UK-TEMPUS-JPCR Aston University DeTel “Developing the Teaching of European Languages: Modernizing Language Teaching through the development of blended Masters Programmes” грант лойиҳаси доирасида қўлланилган (Самарқанд давлат чет тиллар институтининг 2021 йил 22 ноябрдаги 2689/30.02.01-сон). Натижада, ушбу фанлар бўйича ўқув дастурларини такомиллаштиришга эришилган;

“Ёвуз руҳлар” семантик майдони доирасида фантастик жанрдаги матнларда ғоявий ривожланиши ва замонавий бадиий адабиётда демонологик лексиканинг катта аҳамиятга эгаллиги ҳақидаги илмий хулосалардан Самарқанд вилоят радиосининг “Ассалом, Самарқанд” эшиттирувини тайёрлашда фойдаланилган (Самарқанд вилояти телерадиокомпаниясининг 2021 йил 30 ноябрдаги 01-11/536-сон). Натижада, радиоэшитиришнинг бадиийлик ва тарбиявий моҳияти ошган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси.Тадқиқот натижалари 7 та илмий-амалий анжуман ва семинарларда, жумладан, 4 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманида маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш чоп этилган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацияси комиссияси докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 137 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг “**Кириш**” қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети ва материали аниқланган.Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари келтирилган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиш,

апробация, натижалар, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг “Тилшуносликда демонологик лексика тушунчасини ўрганишнинг назарий асоси” деб номланган биринчи бобида демонологик лексика кўп ўлчовли семантик тадқиқот объекти сифатида кўриб чиқилган, шунингдек, интеграциялашган ва фанлараро ёндашувдан фойдаланган ҳолда ушбу лексиканинг таснифи берилган.

Ҳар бир тилда, миллатда, элатда фаришта/жин тимсолида эзгулик ва ёмонлик тушунчаси мавжуд бўлиб, у муҳим ҳодиса сифатида фольклор, халқ оғзаки ижоди, тасвирий санъат ва умуман адабиётда ўз аксини топади, чунки тил миллат билан бирга ривожланади ва у билан бирга ўлади⁷, шунингдек, у тил соҳибининг дунёқарашини ҳам белгилайди, миллий дунёқарашни шакллантиради ва ўзига хос вазифалар тизимини ўзида мужассамлаштиради.

Биз таҳлил қилаётган тилларда демонологик лексиканинг асосий номинациялари *демон/demon/iblis* ва *ангел/angel/farishta*дир. Ушбу лексемалар турли тилларда этимологик нуқтаи назардан фарқ қилади, чунки этимологик таҳлил ёрдамида маданиятнинг лисоний–когнитив имкониятларини аниқлаш мумкин. Агар рус ва инглиз тилларида демонологик лексика қадимий юнон тилига бориб тақалса, туркий, эроний ва араб тиллари таъсирида шаклланган ўзбек тилидаги демонологик лексиканинг илдизи араб тилига мансуб бўлган. Бу ҳолат ушбу лексиканинг шаклланишига диннинг таъсирини исботлайди.

Таърифий таҳлилимиз шуни кўрсатдики, ўзбек лисоний маданиятидан фарқли ўлароқ, инглиз ва рус тилларида “*yovuz ruhlar*” семантик майдонининг асосий компонентлари семантик нуқтаи назардан умумийдир. Демонологик лексикани илмий-объектив ёндашув асосида тавсифлашда унинг таркибий қисмлари ҳақиқатда ёки реал воқеликда мавжуд бўлмаган ҳодисалар эканлигини ҳисобга олиш лозим. Демонология ўзига хос денотатга эга эмас ва мифологик образларни идрок этишга асосланади. Бошқача қилиб айтганда, демонология санъат асарлари нуқтаи назаридан нореал дунёни идрок этиш асосида тасвирланадиган ёвуз руҳни тавсифлайди.

Ушбу бобда биз фанлараро ёндашув ёрдамида демонологик лексиканинг хусусиятларини ўрганишга ҳаракат қилдик. Диссертацияда биз турли тилларнинг номинатив бирликлари тавсифи орқали демонологик лексикани тизимли равишда структуравий тасвирлаш режалаштирилди. Бунинг учун инглиз тилида П. Бреднинг “*The Warded Man*” романи, ўзбек тилида А.Исмоилнинг “*Jinlar bazmi yohud katta o'yin*” романи ва рус тилида М.Завойчинскаянинг «*Домик на перекрёстке*» романи материалларидан ёппасига танлаш усули билан демонологик лексика тўпланди. Юқоридаги асарларни таҳлил қилиш асосида бу романларда монологлексемаларнинг кенг қўлланишига гувоҳ бўлдик.

⁷ Гумбольдт В. Язык и философия культуры. – М.: Прогресс, 1985. – С. 250-251.

Демонологик лексиканинг бадий матнда ишлатиш бўлланиш

The warded man	Jinlar bazmi yohud katta o'yin	Домик на перекрёстке
775 (100%)	126 (100%)	848 (100%)

Таҳлил қилинган асарларда “Sulaymon o’ldi devlar qutuldi”, “shaytonga hay bermoq”, “noumid shayton”, “jin ursin” каби фразеологик иборалар мавжуд. Биринчи фразеологик бирликнинг русча эквиваленти «кота нет – мышам раздолье» бўлса, инглиз тилида эса “when the cat is away the mice will play” фразеологизмидир. Иккинчи фразеологизм инглиз тилига “measure thrice and cut once” ёки “think before you act” деб таржима қилинади, «семь раз отмерь, один раз отрежь» эса русча вариантдир. “Noumid shayton” ибораси русча «Надежда умирает последней» мақолининг ва инглизча “hope springs eternal” иборасининг аналогидир. «Чёрт побери», «к чёрту» ҳақоратли фразеологизмини инглизча “damn it” ва “what’s the hill”, ҳамда ўзбекча “jin ursin” эквивалентлари билан солиштириш мумкин.

Ёзувчи ўз асари орқали маълум бир прагматик таассурот туғдириши, ўқувчини лол қолдириш, тасаввурини ишга солишга ундашни ният қилади. Шунинг учун ҳар бир асардаги сўз ва иборалар ўзига хос тарзда, ўзгача, бошқаларга ўхшамаган ҳолда бирикади ва боғланади. Учта романнинг ономасиологик модели ёрдамида демонологик лексиканинг номинатив бирликларининг ҳисоби шуни кўрсатдики, ушбу лексика М. Завойчинскаянинг «Домик на перекрёстке» романида бошқа романларга қараганда кўпроқ (848-100%) қўлланилган. Таҳлил давомида ўзбек адиблари ғайритабиий манзараларни ҳақиқий ранглар билан тасвирлаб, демонологик лексикадан қочишга ҳаракат қилганлари маълум бўлди. “Jinlar bazmi yohud katta o’yin” романида демонологик лексиканинг қўшма сўзлар ва кўп компонентли структуравий туридан бирорта ҳам фойдаланиш қайд этилмади.

“Фольклордаги демонологик лексикани ўрганишга антропоцентрик ёндашув” деб номланган иккинчи бобда демонологик лексика ва фольклор ўртасидаги боғлиқлик илмий асослаб берилган, чунки демонологияни англашнинг биринчи мойилликлари фольклор асарларида мужассамлашган. Л.М.Галиеванинг фикрига қараганда, тилни турли лисоний маданият вакилларининг дунёни идрок этиши ва дунёкарашини шаклантиришнинг фундаментал омилларидан бири булган мифологик ва диний омилни ҳисобга олмасдан мукамал ўрганиб бўлмайди.⁸

Л.Н.Виноградова славян фольклори персонажларини тавсифловчи кўрсаткичлар мажмуасини таклиф қилган⁹. Ушбу схемани асос қилиб олиб, биз инглиз, ўзбек ва рус фольклор анъаналари бўйича йиғилган намуналар доирасида ўзбек фольклорининг асосий мифологик персонажларига хос

⁸ Галиева М. Р. Отражение мифолого-религиозного сознания в языковой картине мира: автореф.дис. ... докт. филол. наук.- Фергана, 2019. С. 46-47.

⁹ Виноградова Л. Н. Народная демонология и мифо-ритуальная традиция славян. – М.: Индрик, 2000.–432 с.

хусусиятлар мажмуини тақдим этувчи таснифини туздик. Кейинчалик ушбу таснифга қўшимчалар киритилиши мумкин.

2-жадвал

Мифологик персонажларга хос хусусиятлар мажмуи

№	Белгилар	Демонологик ва афсонавий персонажларнинг тавсифи
1	Номлар	“Qayumars”, “Pari”, “Ajdarho”, “ Hizr”, “Semurg’ ”
2	Кўриниш	Антропоморф, зооморф жонзот
3	Ижтимоий мақом, ташқи қиёфа	“Qayumars” образи – ярим одам, ярим хўкиз, “pari” – одам қиёфасидаги жин махлуқ, “Hizr” – очик юзли кекса одам, “ajdarho” –қанотли жонзот, “semurg’ ” –ит бошли куш.
4	Атрибутлар, ҳамроҳлар	“ Hizr” ҳар доим кўлида ҳасса ушлаб туради.
5	Мифологик персонажнинг миқдорий тавсифи	Барча афсонавий персонажлар ягона образ кўринишида тақдим этилган. Баъзи манбаларда “парӣ” каби персонажлар кўп миқдорда учрайди.
6	Генезис	Юқорида зикр этилган мифологик персонажларнинг барчаси ғайритабиий мавжудотлар бўлиб, уларнинг келиб чиқиши кўпинча номаълум.
7	Жойлашуви	Ғорлар, дарёлар, сув омборлари, осмонлар
8	Фаолият кўрсатиш вақти	Куннинг исталган вақтида, баъзан фақат қуёш ботгандан кейин
9	Вазифалар	Васийлик функцияси (хайрли ишлар қилади, халққа ёрдам беради) Ёрдам, хомийлик кўрсатиш (сув балоси билан уланиш, шамолни, ёмғирни чақириш ёки тўхтатиш, табиат ходисаларига, ҳосил, ўсимликларга таъсир кўрсатиш)

Юқорида санаб ўтилган мифологик персонажларни кўриб чиқиш жараёнида “Qayumars” нинг мифик образи туркий ва форс халқлари оғзаки ижоди ва адабиётида жуда кенг тарқалганлигини аниқладик. «Авесто» китобида “Qayumars” «Гай Мартан» атамасини олган. Фирдавсийнинг “Шоҳнома” асарида ушбу образга бутун бир боб бағишлаган ва одамларни зулматдан олиб чиққан, бошпана билан таъминлаган титан тимсолидаги олам ҳукмдори сифатида тасвирлаган.

Бадий адабиётда мифология субъектлари кўпинча тимсолланади ва одамлар образида ҳаракат қилади, бу ҳолат икки хил характерга эга бўлган “pari” персонажида ҳам намоён бўлади. Бироқ, фақат сюжетга таяниб, уларнинг тарқалиш даражасини, вазифавий хусусиятларини ва бир шаклдан бошқа шаклга ўзгариш қобилиятларини баҳолаш мумкин эмас. Қадимги халқлар тасаввурларида мавжуд бўлган “pari” образи халқ мифологияси учун катта аҳамиятга эга. Қадимги афсоналарга кўра, “pari” персонажи кўпинча фаришталар образи билан ўзаро боғланишда бўлади ва тез-тез “jin” образи билан чатишиб кетади ҳамда олов билан ассоциация орқали фикран боғланади. “Falonchining qizi falonchining ko'ziga olov bo'lib ko'rindi” деган ўзбек мақолининг келиб чиқишини шундай изоҳлаш мумкин. "Pari" тасвири сув билан боғлиқ бўлган ва денгиз, океан, дарёлар, турли сув ҳавзаларида

яшовчи афсонавий "suv parisi" персонажи билан чамбарчас боғлиқ. Халқ орасида бу персонаж иштирок этадиган, чиройли кўриниш ва икки томонлама табиатга эга бўлган кўплаб афсоналар мавжуд. Агар ўзбек фольклорида сув париларнинг ўзига хос хусусияти уларнинг жозибадорлиги бўлса, унда рус фольклор матнларида сув париси «русалка» жуда ёмон хусусиятларга эга бўлган кекса аёл қиёфасида бўлган одам эканлиги ҳақида маълумот мавжуд. Британия фольклорида сув париси "mermaid" ҳам ижобий, ҳам салбий ҳаракатларни амалга оширади, лекин кўпинча уларнинг пайдо бўлиши салбий ҳодисалар ёки ёмон ниятларни келтириб чиқаради. "Mermaid" сўзи "денгиз" ва "қиз" лексик бирликлардан ташкил топган ва ушбу маъно унинг қадимги инглиз илдизларига ишора қилади. Бу мифологик персонажнинг сув элементи билан узвий боғлиқлигини таъкидлайди. Инглиз фольклорида бу тасвир бошқача номланиши мумкин: "ceasg", "ben-varrey", "selkies". Биринчи қарашда, мифологик персонажлар "suv parisi", "mermaid" ва «русалка» ларнинг хусусиятлари, жисмоний ва интеллектуал хусусиятлари, дуал табиати ва сув билан яқин муносабатларида ўхшашликни кузатамиз. Бироқ, бошқа томондан, турли маданиятларга хос бўлган бу персонажларнинг ҳар бири ижобий ёки салбий хусусиятларга эга. Уларнинг ташқи кўриниши ҳам фарқ қилади. Шунинг учун, бу персонажларни мифологиянинг қуйи тизимларига киритишни лозим деб топдик.

Ўзбек халқ ижодида кенг тарқалган "dev" образи инглиз фольклорида "giant" тасвирига мос келади. Олимлар, девларнинг тасвирлари кельтлар, Германия-Скандинавия ва Ўрта Ер денгизи тизимларининг таъсири остида инглиз эртақларида шаклланган деб ҳисоблашади¹⁰. "Giant" персонажи, айниқса, "Molly Woopie", "Jack and the Beanstalk", "Jack and the Welsh giant", "The giant in the cave" (Ирландия ва Шотландия эртақлари), "Jack and the Giant Tantarem" каби ҳикояларда учрайди. Девлар худди шундай таърифга эга ва бир хилда ҳаракат қилишади. Улар ҳар доим асосий ривожланган ақлий қобилиятга эга персонажларга қарши курашда мағлубиятга учрайди. Ўзбек ва инглиз эртақларда асосан ёвузлик устидан яхшилик ғалаба қозонади.

Фольклордаги ёвузликнинг яна бир тимсоли аждаҳо мифологик образи (ўзбек маданиятида—"ajdarho") бўлиб, у ўзбек ва инглиз эртақларида (масалан, "G'aroyib ajdarho", "Ajdar qush ertagi", "The dragon", "The dragon and his grandmother"), қаҳрамонлар учун тўсиқлар яратади. "Авесто" китобини ўрганиш жараёнида ушбу образ "Вритра"—99 та ғужанакли илон ёки икки бошли, қанотли, оташнафас ва ваҳимага солувчи "Дахака" тимсоли асосида яратилганлигини аниқладик. Мазкур персонаж юқори даражадаги ақлий қобилияти билан ажралиб турмайди ва инсон ўзининг оддий билимлари ёрдамида уни енгишга қодир.

Мангу яшайдиган чол қиёфасидаги "Hizr" образи ўзбек фольклорининг ажралмас қисмидир. Бу антропоним этимологиясини ўрганган М.Саидовнинг фикрича, "Hizr" лексемаси туркий тилдан келиб чиқиб, бир

¹⁰ Плахова О. А. Влияние кельтской мифологической традиции на мифологические представления в англоязычном сказочном дискурсе // Известия ПГПУ им. В.Г. Белинского. 2012.- С. 357–361.

қанча маъноларни билдиради: “сув, иссиқлик, булоқ, маҳсулдорлик, олов, майса”¹¹. Тадқиқотчи ўзбек тилидаги “қиздирмоқ”, “қизмоқ” сўзларидаги “қиз” ўзаги Ҳизр (Қизир, Қидир) сўзи билан боғлиқ деб ҳисоблайди.

Меҳрибонлик ва покликни ўзида мужассам этган яна бир образ “Semurg” бўлиб, у бахт, муҳаббат ва омаднинг рамзий тимсоли, ўзига хос идеалдир. Тревернинг таъкидлашича, дастлаб бу мифологик образ ёзма манбаларда “саена-меруға” номи билан, “it-qush” лексик маъносида қайд этилган. Бу образ “Semurg” yoki Parizod yoki Bunyod”, “Ҳаққуш”, “Zorlik bilam Munglik”, “Kenja Botir” эртақ ва афсоналарида ёрқин тасвирланган.

В.В.Красных¹² методикаси асосида психолингвистик таҳлил жараёнида демонологик лексиканинг ўзига хос хусусиятларини экспериментал тарзда ўрганиш ва уни ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги матнларда воқеланишини кўрсатиш мақсадида инглиз, демон образи ва бош қаҳрамоннинг диалоги мавжуд бўлган халқ эртақларидан учта матнни танладик.

Таҳлил давомида биз ҳар бир матннинг ўзига хос структура ва шунга мос композицион тузилишга эгаллигини ҳисобга олдик. Матн муҳимлиги ва таркиби кўзланаётган мақсадга қараб фарқ қиладиган семантик маҳсулотларнинг ўзаро уйғунлашувини намоён этади. Зотан, психолингвистикада матн муаллиф, реципиент ва алоқа предмети каби таркибий қисмларнинг минимал тўпламига эга бўлган коммуникатив актнинг шакли сифатида талқин қилинади¹³.

Биринчи таҳлил қилинган матн ўзбек халқ эртаги “Uch nasihat”дир. Бу ерда бош қаҳрамоннинг нутқий ҳаракатлари А ва В ҳарфлари билан белгиланган. Сухбатдошлар нутқий ҳаракатларининг кетма-кетлигини белгилаш учун улар (1,2,3’,4’...) сонлар билан рақамланган. Вазият ва замон кўрсаткичлари ҳаракат ва мулоқотнинг узлуксиз боғлиқлигини кўрсатадиган муҳим омил ҳисобланади.

Матн 1 “Uch nasihat”¹⁴:

(A) 1 Quduqqa tushsa, u ham devga yo‘liqibdi.

(A) 2 Dev uning ham yoqasidan ushlab, o‘sha savollarini beribdi. (A) 3 Bola yerga qarab:

(C) 4— Savdoga ketayotgan edik. 5’ Suvsizlikdan qiynaldik. 6’ Suv olgani tushdim, — (A) 7 debdi.

(B) 8 Shunda dev go‘zal xotinini chaqiribdi.

(A) 9 Bola esa u xotinga qaramay, uning suvdagi aksiga qarab turaveribdi.

(A) 10 Dev boladan:

(B) 11— Nega sen mening xotininga qaramayapsan? — deb so‘rabdi.

(A) 12 Shunda bola:

(C) 13— To‘g‘ri yo‘ldan borsang, yetarsan murodga, egri yo‘ldan borsang, qolarsan uyatga, — (A) 14 debdi.

¹¹ Саидов М. Ўзбек дostonчилигида бадий маҳорат.-Т.: Фан, 1969.- 189 б.

¹² Красных В.В. Комплексный психолингвистический анализ текста. - Краснодар : КубГУ, 2005.- С.257-269.

¹³ Шахнарович А. М. Психолингвистический анализ семантики и грамматики (на материале онтогенеза речи). - М.: Наука, 1991.-250 с.

¹⁴ Афзалов М, Расулов Х, Хусаинова З. Ўзбек халқ эртақлари.-Т.: Укитувчи, 2007.- 1000 б.

“Uchnasixat” матнининг психолингвистик таҳлили натижаси¹⁵

Луқмалар ҳаракатлар	Луқмалар ҳаракатлар муаллифи	Стимул Ният	Реакция +/-	№1 матн		Нутқий ҳаракат, ҳаракат + луқмалар ўртасидаги боғланиш	
				МПП	М	Нутқий ҳаракат	П
1	А	Муаллиф ахбороти	-			→ Ахб.	
2	А	Муаллиф ахбороти	-			→ Ахб.	←
3	А	Муаллиф ахбороти	-			→ Ахб.	←
4	С	Ҳаракат	+			→ ҳикоя	←
5'	С	Сўр.бўй.хаб.	+			→ жавоб	←
6'	С	Сўр.бўй.хаб.	+			→ жавоб	←
7	А	Муаллиф ахбороти	-			→ Ахб.	
8	А	Муаллиф ахбороти	+			→ Ахб.	
9	А	Муаллиф ахбороти	-			→ Ахб.	←
10	А	Муаллиф ахбороти	-			→ Ахб.	
11	В	Савол	+			→ сўров	
12	А	Муаллиф ахбороти	-			→ Ахб.	←
13	С	Сўр.бўй.хаб.	+			→ жавоб	←
14	А	Муаллиф ахбороти	-			→ Ахб.	←

1 матнда афсонавий қаҳрамон (дев) ва ўғил бола ўртасидаги суҳбат тақдим этилган. Узатилаётган ахборотнинг асосий ижодкори муаллифдир, чунки маълумотларнинг 80% га яқини у томондан тақдим этилмоқда. Вақт билан белгиланадиган паузасиз узлуксиз диалог қурилиши бизнинг таҳлилимиз учун муҳим бўлиб, икки коммуникант А ва С нинг суҳбатдан манфаатдорлигини кўрсатади. Матннинг композицион тузилиши ва ижобий яқунланадиган ечим ҳам муҳим роль ўйнайди, буни зукко боланинг ҳаракатлари ва сўзларидан ҳам сезиш мумкин.

Иккинчи матн сифатида рус эртаги «Ночь на Ивана Купала»¹⁶ танланди:

(А)1 Обрадовался холоп, бегом к цветку побежал,

(А)2 а черти ну его останавливать: 3'кто за полу дернет, 4' кто дорогу загородит, 5' кто под ноги подкатится, чтобы он упал.

(А) 6 Уж почти добежал холоп до цветка, но 7' тут не вытерпел да как 8' ругнет чертей:

(Б)9 — Отойдите, — А (10) говорит — Б (11) вы от меня, проклятые!

А (12). Не успел выговорить,

(А) 13 его назад отбросило.

¹⁵ Сур.буй.хаб. - сурок буйича хабар; ахб-ахборот; МП-мифологик персонаж, М-муаллиф, П-персонаж.

¹⁶ Худяков И. А. Великорусские сказки в записях И.А.Худякова. - Ленинград: Наука, 1964.-304 с.

**«Ночь на Ивана Купала» матнининг психологик тахлилининг
натижаси¹⁷**

Лукмалар, ҳаракатлар	Лукмалар, ҳаракатлар муаллифи	Стимул Ният	Реакция +/-	Нутқий ҳаракат, ҳаракат +лукмалар ўртасидаги боғланиш			
				П	М	Нутқий ва жисмоний ҳаракат	МП
1	А	Муаллиф ахбороти (Ҳис-туйғу)	+		→	Жис.ҳаракат	
2	А	Муаллиф ахбороти (тўсиқ, ғов)	-		→	Жис.ҳаракат	
3'	А	Муаллиф ахбороти (ҳаракат)	-			Жис.ҳаракат	←
4'	А	Муаллиф ахбороти (ҳаракат)	-			Жис.ҳаракат	←
5'	А	Ҳаракат+натижа	-			Жис.ҳаракат	←
6	А	Муаллиф ахбороти (Мақсадга эришиш истаги)	-		→	Жис.ҳаракат	
7'	А	Муаллиф ахбороти (Ҳис-туйғу)	+		→	Жис.ҳаракат	
8'	А	Муаллиф ахбороти (Ҳис-туйғу)	+		→	Жис.ҳаракат	
9	Б	Ахборот етказиш (Истак)	+		→	Нутқ.ҳаракат	
10	А	Муаллиф ахбороти	-		→	Жис.ҳаракат	
11	Б	Ахборот етказиш Эмоция	+		→	Нутқ.ҳаракат	
12	А	Муаллиф ахбороти	-		→	Жис.ҳаракат	
13	А	Муаллиф ахбороти	-		→	Жис.ҳаракат	←

2 маттни таҳлил қилиш жараёнида биз ягона манзарани шакллантирадиган А ва В коммуникантлар ўртасида лисоний ва нолисоний нутқий ҳаракатлар мавжудлигида намоён бўладиган психолингвистик хусусиятни аниқладик. Боз устига, бош персонажнинг (иблис) ҳаракатлари муаллиф ёрдамида ифодаланади.

Ушбу матндаги ҳаракатлар ўртасида пауза йўқ. Бош қаҳроманнинг ҳиссий ҳолатини таъкидлайдиган ундов белгиси мавжуд. Бундан ташқари, мулоқот давомида иблиснинг коммуникант В ҳаракатларидан норозилиги намоён бўлади, бунинг устига бош қаҳрамон (иблис) коммуникант В нинг мақсадга эришишида жиддий тўсиқ ҳамдир. Кейин улар ўртасида зиддият пайдо бўлади ҳамда бу ҳолат вербал ва новербал тарзда воқеланади. Хулоса қилиб шуни қўшимча қилишимиз мумкинки, персонажлар (инсон, шайтон) ўртасидаги сезиларли фарқлар коммуникант В (инсон)нинг ҳолатини заифлаштиради, чунки у охир-оқибат ўзидан ошиб кетадиган ғайритабиий кучлар олдида ҳимоясиздир.

Охирги таҳлилга тортилган матн парчаси инглиз эртаги “The three heads of the well”¹⁸дан танлаб олинди:

¹⁷ Жис.ҳаракат- жисмоний ҳаракат;нутқ.ҳаракат-нутқий ҳаракат; МП-мифологик персонаж, М-муаллиф.

¹⁸ Steel A. English fairy tales. - London: Macmillan and Co., Limited, 1918.- 250 p.

(A) 1 Then said the heads one to another (D)2 “What shall we weird for thus damsel who has used us so kindly?” (A)3 The first said: (B)4 “I weird her to be so beautiful that she shall charm the most powerful prince in the world”. (A)5 The second said: (C)6” I weird her such a sweet voice as shall far exceed the nightingale.” (A)7 The third said: (D)8” My gift shall be none of the least, as she is a king’s daughter: I’ll weird her so fortunate that she shall become queen to the greatest prince that reigns”.

5-жадвал

“The three heads of the well” матни психоллингвистик таҳлили натижаси¹⁹

Луқмалар ҳаракатлар	Луқмалар ҳаракатлар муаллифи	Стимул Ният	Реакция +/-	№3 матн			Нутқий ҳаракат; ҳаракат + луқмалар ўртасидаги боғланиш	
				М	М П1	М П2	Нутқий Ҳаракат	МП 3
1	A	Муаллиф ахбороти	-	→			Ахборот	
2	D	Савол	+				сўров	
3	A	Муаллиф ахбороти	+	→			Ахборот	
4	B	Истак 1	+	→			Ҳикоя	
5	A	Муаллиф ахбороти	+	→			Ахборот	
6	C	Истак 2	+			→	Ҳикоя	
7	A	Муаллиф ахбороти	+	→			Ахборот	←
8	D	Истак 3	+				Ҳикоя	←

Мазкур матнда энг кўп комуникантлар иштирок этгани кузатилади ва бу таҳлилни бироз мураккаблаштиради. Ўқувчи (тингловчи)ни маълумотлар билан таништириш учун муаллиф бир қатор нутқий ҳаракатлар тўпламидан фойдаланади. Гап охиридаги сўрок белгиси кейинги ҳаракатнинг олдиндан айтиб бўлмайдиганлигини ҳамда олдинги ҳаракатлар натижасида юзага келган ҳис-туйғуларни кўрсатади.

Таҳлил натижасида олинган маълумотлар асосида биз юқоридаги турли тиллардаги учта матннинг умумий психоллингвистик тавсифи ва инсоннинг ғайритабиий кучлар билан учрашиши ягона мотив билан бирлашганлигини аниқладик. Муаллифнинг прагматик мақсади умумий манзарани аниқлаштиради ва тўлиқ намоён қилади. Семантик доминант ҳиссий нуқтаи назардан асосий рольни ўйнайди ва матннинг ривожини белгилайди. Саволлардан кейин жавобларнинг келиши нутқ ҳаракатларининг ўзаро мантиқий алоқасини йўқотмаслик имконини беради. Таҳлил жараёнида уч миллатнинг лисоний онгидаги фарқларни, миллий-маданий хусусиятларни ҳам ҳисобга олдик. Халқ эртаклари шаклида биз танлаган барча материаллар лисоний онгнинг маданият билан боғлиқлигини тасдиқлади.

Иккинчи бобнинг тўртинчи банди қаҳрамонлик дostonлари мантлари

¹⁹ МП- мифологик персонаж, М-муаллиф.

асосида демонологик лесиканинг хусусиятига бағишланган. Қаҳрамонлик эпоси кўплаб халқлар, жумладан, ўзбек, инглиз, рус халқлари бой фольклорининг ажралмас қисмидир. “Go’r o’g’li” туркумига 60 дан ортиқ асар киритилган. Ушбу диссертация ишимизда “Yunus va Miaqol pari” асарини таҳлил қилдик. “Yunus pari” ўзини шундай таърифлайди:

Meni bilsang parilarning poshosi Jami xo’blarning bir bebaxosi

Ko’kim suluvlikda falakning mosi Bu yer emas odamzodning mavosi Iram boqa kimni izlab kelgansan

Шу тарзда, “Yunus pari” ўзининг ғайритабиий келиб чиқиши ва “pari” мақомини таъкидлайди. Асар иблис мавжудотларнинг мавжудлигига ишониш билан ажралиб туради. Хусусан, бош қаҳрамон асарнинг бошида башоратли туш кўради: *Shu kechasi tushida biri oy bo’lsa biri kun, biri gul bo’lsa biri g’uncha, biri asal bo’lsa biri shakar- osmon bilan yerning oralig’ida Yunus pari bilan Misqol parini ko’rdi*”. Афсонавий персонажларнинг жойлашуви аниқ эмас. Баъзан ҳикоя давомида хаёлий жойлар, кўпинча башоратчилар ва жинлар яшайдиган ғорлар пайдо бўлади. Афсонавий персонажлар тўғри йўлни кўрсатувчи ёки келажакдаги воқеалардан огоҳлантирувчи муайян вазифаларни бажаради. “Илья Муромец ва Булбул қароқчи” достонида Илья Муромецнинг афсонавий йиртқич ҳайвон билан ҳал қилувчи қаҳрамонона жангларида бири тасвирланган. Қароқчи булбул афсонавий персонажини икки жиҳатдан тавсифлаш мумкин. Бир томондан, у қуш қанотли йиртқич ҳайвон, бошқа томондан, у антропоморфик хусусиятларга эга ва шахс мақомини олган.

Сидит Соловей Разбойник на сыром дубу,

Сидит Соловей Разбойник Одихмантьев сын.

А то свищет Соловей да по-соловьему,

Он кричит, злодей-разбойник, по-звериному,

И от его ли то от посвиста соловьяго,

